



ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИ ВЕНЧУР ФОНДЛАРИ ОРҚАЛИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ВА УНДА УЧРАЙДИГАН ТАВАККАЛЧИЛИК ТУРЛАРИ

Атамурадов Шерзод Акрамович

*Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар университети,
Кимё-металлургия факультети декани ўринбосари,
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Навоий,
Ўзбекистон. sher_zod@inbox.ru*

<https://orcid.org/0000-0001-5511-6164>

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss1/a3

Аннотация

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида юқори технологияларга асосланган соҳалар ҳамда инновацион лойиҳаларни ривожлантириш учун қўшимча молиявий ресурсларга эhtiёж сезилади. Ушбу мақолада таваккалчилик инвестицияларини молиялаштиришнинг анъанавий ҳамда замонавий манбалари кўриб чиқилмоқда. Мақолада инновацион лойиҳаларни венчур молиялаштиришнинг муқобил воситалари имкониятларини баҳолаш масалалари муҳим ўрин эгаллаган.

Калит сўзлар: инновациялар, венчур капитал, венчур фонд, диверсификация, пенсия фонди, сўғурта компаниялари, инфраструктура.

ФИНАНСИРОВАНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ ПРОЕКТОВ ВЕНЧУРНЫМИ ФОНДАМИ И ВИДЫ РИСКА, СВЯЗАННЫЕ С НИМИ

Атамурадов Шерзод Акрамович

*Навоийский государственный горно-технологический университет,
заместитель декана химико-металлургического факультета,
доктор философии (PhD) по экономическим наукам. Навои, Узбекистан.
sher_zod@inbox.ru*

Аннотация

В связи с модернизацией экономики возникает необходимость дополнительных финансовых ресурсов на развитие высокотехнологичных сфер деятельности и инновационных проектов. В статье рассмотрены традиционные и новые источники финансирования рискованных инвестиций. В статье большое внимание уделяется оценке возможностей развития альтернативных инструментов венчурного финансирования инновационных проектов.

Ключевые слова: инновации, венчурный капитал, венчурный фонд, диверсификация, пенсионный фонд, страховые компании, инфраструктура.

FINANCING OF INNOVATIVE PROJECTS THROUGH VENTURE FUNDS AND THE TYPES OF RISK INVOLVED IN IT

Atamuradov Sherzod Akramovich

Navoiy State University of Mines and Technologies Deputy Dean of the Faculty of Chemistry and Metallurgy doctor of philosophy (PhD) on economic sciences. Navoi, Uzbekistan. sher_zod@inbox.ru

Abstract

There is discussed in the article the issues of economy modernization and steps that is necessity to attract additional financial sources for the high-tech industries and innovation projects development. There are considered traditional and new sources of funding for risky investments. The author evaluates the potential for developing alternative tools of venture financing of innovative projects.

Keywords: innovation, venture capital, venture capital fund, pension fund, diversification, insurance companies, infrastructure.

Кириш

Глобаллашув шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши янги босқичга ўтиб бормоқда, натижада бозор инфратузилмасида янги иқтисодий субъектларнинг иштирокини, шунингдек иқтисодий муносабатларда янги инновацион ёндашувларни тақозо этмоқда. Шу муносабат билан инновация соҳасида катта тажриба ва ютуқларга эришган хорижий давлатларда инновацион лойиҳалар, стартаплар ҳамда илмий тадқиқот намуналарини венчур фондлари ёрдамида молиялаштириш, илм-фан соҳасига инвестицияларни кенг жалб қилиш, инновацион фаолиятни ривожлантиришга таъсир этувчи омилларни аниқлаш юзасидан мақсадли илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Жахон амалиётига назар ташлайдиган бўлсак, замонавий венчур бизнесининг учта асосий ҳудудий бозори шаклланган бўлиб, улар ўз ичига АҚШ, Ғарбий Европа (Буюк Британия, Германия, Франция ва бошқалар) ва Шарқий, Жануби-Шарқий ва Жанубий Осиё (Япония, Жанубий Корея, Хитой, Сингапур, Ҳиндистон) ҳудудларини олади. Умуман олганда, венчур молиялаштириш соҳасида АҚШ дунёда етакчи эканлигини кузатиш мумкин [25].

Мамлакатимизда ҳам сўнгги йилларда инновацион фаолиятни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда - "Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, илмий-интеллектуал ҳамда молиявий ресурсларни тўлиқ сафарбар этган ҳолда илмий-инновацион салоҳиятдан кенг фойдаланиш, истиқболда илм-фанни мунтазам ислоҳ қилиб боришнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билимга эга ва мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий инфратузилмани модернизация қилиш ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади"[2].

Бу масалаларни ечиш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ 2020 йилнинг 29 октябрида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони қабул қилинди.

Фармонда инновацион ишланмалар ва стартап лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида хорижий етакчи инвестиция компаниялари билан ҳамкорликда 2021 йилда 2 та, 2025 йилда 10 та венчур жамғармаларини ташкил қилиш белгилаб берилган.[3]

Ушбу мақолада мамлакатда инновацион тадбиркорликни фаолиятини ривожлантириш, уларда учрайдиган таваккалчилик турлари ва венчур фондларини ташкил этиш орқали инвестицияларини жалб қилиш масалалари таҳлил қилинган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Инновацион фаолиятни ташкил этиш ҳамда молиялаштириш, инновацион бошқарув усуллариини такомиллаштириш масалалари мамлакатимиз, мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ва хорижий давлатлар иқтисодчи олимлари томонидан назарий ҳамда илмий нуқтаи назаридан ўрганиб чиқилмоқда.

Жумладан, МДҲ мамлакатлари олимлари томонидан иқтисодиётнинг инновацион ривожланишда инсон капитали ва бошқа омиллар ролини оширишга қаратилган бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган. Масалан, россиялик иқтисодчи олим А.Виралайнен, ўзининг “Финансирование инвестиций при переходе к инновационному развитию экономики” [9] мавзусидаги иқтисод фанлари докторлиги диссертациясида глобаллашув жараёнида инновацион фаолиятни инвестициялаш тизимини такомиллаштириш, маҳаллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш тенденциялари ва муаммоларини келтириб ўтган.

Москва политехника университети тадқиқотчиси Игнатущенко Елена Игоревна ўзининг “Инновационная Германия в экономике Европейского Союза в эпоху мирового экономического и финансового кризиса” [10] номли мақоласида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Германия иқтисодиётида самарали инновацион сиёсатнинг қўлланилиши эвазига Европа иттифоқи давлатлари орасида кам зиён кўрилганлиги таъкидланади ва ушбу давлат мисолида инновацияларни молиялаштириш тажрибалари ўрганилади.

А.Нечаев “Совершенствование системы финансового обеспечения инвестиционно-инновационной деятельности” [11] мавзусидаги докторлик диссертациясида Россия ва МДҲ давлатларида инновацион фаолиятни молиялаштириш тизимини ўрганиб чиқади. Диссертация ишида инновацион фаолиятни молиялаштиришни асосан банк-кредит тизими ва лизинг операцияларини самарали қўллаш эвазига ривожлаштириш таклифлари берилади.

Миллий иқтисодиётни инновацион ривожланишининг айрим жиҳатлари мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг илмий тадқиқотларида ҳам кўриб чиқилган. Булар жумласига Бегалов Б.А., [12] Вахабов А.В., [13] Пардаев М.Қ. [14], ва бошқаларнинг илмий ишларини киритиш мумкин.

Б.А. Бегалов ва А.Б. Бобожоновлар ҳамуаллифлигида ёзилган “Основные тенденции формирования и развития инновационной экономики в республике Узбекистан” [12] мавзусидаги илмий мақолада инновацион иқтисодиётнинг тарихий ривожланиши ва жорий этишнинг характерли жиҳатлари ўрганилади. Шунинг мамлакатимиз иқтисодиётига инновацион иқтисодиётни жорий этиш муаммолари таҳлил қилинган ва таклифлар берилган.

А.В. Вахабовнинг [13] асарларида миллий иқтисодиётни модернизация қилиш, макроиқтисодий ўсишнинг барқарорлигига эришиш, инновацион соҳаларни ривожлантиришга қаратилган тадқиқотлар ва илмий асосланган таклифларни кузатишимиз мумкин.

М.Қ. Пардаевнинг [14] илмий ишларида асосан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришда инновацион технологиялар ва услубларни жорий этиш, уларнинг молиявий самарадорлигини аниқлаш мезонлари ва кўрсаткичлар келтирилган.

Хусусий бизнесни молиялаштиришнинг муқобил манбаси сифатидаги венчур капитали АҚШда XX асрнинг 50 йилларида замонавий информатика ва телекоммуникациянинг бешиги бўлган Силикон водийси (Калифорния штати)да вужудга келган. Ушбу бизнеснинг асосчилари Том Перкинс [16] Силикон водийсида кичик лойиҳалар ва стартапларни молиялаштиришда венчур тизимини ишлаб чиқади, Юджин Клейнер ва унинг жамоаси [17] IT-технологияларни ташқи маблағлар эвазига молиялаштиришни ташкиллаштиришнинг янги ғояларини ишлаб чиқишган.

Юқорида келтирилган олимларнинг илмий ишларига қарамасдан, бугунги кунда инновацион тадбиркорликни венчур фонлари орқали молиялаштириш механизмларини ишлаб чиқиш муаммоларига бағишланган комплекс тадқиқотларни олиб бориш талаб қилинмоқда. Буларнинг барчаси миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланишини инвестициялашнинг асосларини такомиллаштириш бўйича алоҳида илмий изланишлар олиб боришни тақозо қилмоқда.

Тадқиқот методологияси

Ушбу мақоланинг назарий ва услубий асоси сифатида умумиқтисодий адабиёт ҳамда илмий мақолалар, иқтисодчи олимларнинг корхоналарни фаолиятини стратегик режалаштириш масалалари бўйича изланишлари, олимлар ва соҳа вакиллари билан суҳбатлар, уларнинг ёзма ва оғзаки фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда хулоса, таклиф ва тавсиялар берилган. Мавзунини ўрганиш жараёнида умумиқтисодий усуллар билан бир қаторда маълумотларни тизимлаш бўйича махсус ёндашувлар, яъни таққослаш, назарий ва амалий материалларни жамлаш ҳамда тизимли таҳлил каби усуллар қўлланилган.

Таҳлил ва натижалар

Маълумки, бозорда узоқ вақт фаолият олиб бораётган тажрибали ҳамда йирик корхоналар учун инвестицияларнинг роли - стратегик ривожланишни таъминлашдан иборат бўлса, кичик ва бозога янги кириб келган корхоналар учун инвестициялар нафақат ривожланиш, асосан рақобат муҳитида курашишда жон сақлаб қолиш учун ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Бу эса кичик бизнес капиталининг ўзига хос хусусиятларини ифодалайди.


Кичик бизнес йирик бизнесга қараганда анча ўзгарувчан ва стратегик мослашувчанликка эга. Янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектлари бозорда олдиндан фаолият юритиб келаётган компаниялар билан очиқ рақобатга киришолмаслиги мумкин, бироқ улар бу даврда ўзининг бозордаги ўрни ва мавқеини эгаллай бошлашади, шу сабабли кичик бизнесда одатда йирик компанияларга қараганда камроқ сармоялар талаб қилинади.

Аммо шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, кичик бизнес катта бизнесга қараганда унчалик барқарор эмас. Масалан, мижозлар томонидан тўловларни маълум муддатга шунчаки кечиктириш ҳолатининг ўзи кичик бизнеснинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабли инвестицияларнинг зарур ҳажмига ўз вақтида эга бўлиш бизнесда барқарорликни таъминлайди ва ўсиш учун зарурий шарт-шароитларни яратади.

Аксарият ривожланган хорижий мамлакатларда, анъанага кўра, юқори технологияларга асосланган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи кичик фирмалар учун дастлабки босқичда молиялаштириш манбаи бўлиб венчур капитали ҳисобланади.

Венчур капитал тушунчаси ва шакллари. Америка Қўшма Штатларининг Венчур Капитал Ассоциацияси тарифи билан айтганда, венчур капитал - бу иқтисодий катта ҳисса қўшадиган компанияларга айланиш имкониятига эга бўлган ва тез ривожланаётган ёш компанияларга сармоя киритадиган тажрибали инвесторлар томонидан ажратиладиган молиявий маблағлардир. Венчур капитали фаолиятини энди бошлаган инновацион ғояга эга компаниялар учун муҳим молиявий манба ҳисобланади.

Венчур - бу махсус иқтисодий муносабатлар тизими бўлиб, унда инвесторнинг бошқарувдаги иштироки орқали бизнесда тўплаган тажрибаси, ўзаро манфаатли алоқалари ва кўникмалари янги компания асосчиларига қўл келади ҳамда уларнинг муваффақиятида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Айнан мана шу «ақлли» сармоялар янги инновацион компаниялар учун хаёт-мамот даври ҳисобланган "ўлим водийси" дан ўтишга ёрдам беради.



1-расм. Инновацион лойиҳаларни венчур фонди орқали молиялаштиришни ташкил этиш жараёни.¹

Венчур инвестицияси капиталнинг турли шакллари (ҳиссадорлик, кредит ва тадбиркорлик) бирлаштирган ҳолда, инвесторлар ва молиялаштиришга муҳтож компаниялар ўртасидаги муносабатларда воситачи вазифасини бажаради (1-расм).

28¹ Л. М. Лапицкая Венчурное финансирование: учеб. пособие / Л. М. Лапицкая. – Минск : БГУ, 2019. 12-бет.

Дарҳақиқат, мазмунига кўра бевосита инвестициялар ҳисобланган венчур инвестициялари уларни бошқа турдаги инвестициялардан ажратиб турадиган ўзига хос хусусиятларга эга ва шунга кўра венчур капитали бозорини учта сегментга бўлиш мумкин:

- классик ёки институционал капитал;
- норасмий венчур капитали (бизнес фаришталари);
- корпоратив венчур капитали.

Сегментларнинг тавсифи ва ўзига хос хусусиятлари қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Венчур капитали бозорининг асосий уч сегментлари тавсифи [4]

Хусусиятлари	Институционал венчур капитал	Бизнес-фаришталар	Корпоратив венчур капитали
Молиявий ресурслар манбаси	Асосан чекланган масъулиятли ҳамкорлар сифатида фаолият кўрсатадиган институционал инвесторлар	Асосан ўз маблағларини инвестиция қилувчи хусусий сармоядорлар	Бюджетининг бир қисмини таваккалчилик хавфи юқори даражадаги инновацион лойиҳалар учун ажратадиган йирик корпорациялар
Ташкилий шакли	Масъулияти чекланган ҳамкорлик (МЧХ), limited partnership	Хусусий тадбиркорлик, гоҳида ассоциациялар	Йирик корхоналарнинг бўлимлари, ёки шўъба корхонаси
Инвесторларнинг хусусиятлари	Профессионал инвесторлар, йирик инвестиция имкониятлари, эҳтиёткорлик билан танлаш тартиби	Инвесторлар, мутахассислар, йирик компаниялар менежерлари, чекланган инвестиция имкониятлари, соддалаштирилган танлов босқичи	Технологияларни кўзлаган инвесторлар, катта инвестицион имкониятлар, эҳтиёткорлик билан танлаш тартиби
Инвестиция киритиш учун мотив	Ҳиссадорлик капитали қийматининг ўсиши	Шахсий фаровонликнинг ошиши	Корпорациянинг стратегик ўсиши
Мониторинг ва назорат	Мониторинг ва назоратнинг расмий босқичлари	Мониторинг ва назоратнинг норасмий босқичлари	Мониторинг ва назорат корпоратив меъёрлар доирасида

Инновацион иқтисодиётнинг ривожланишида венчур капитали жуда муҳимлигини қуйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, венчур капитали бизнеси технологик ривожланишнинг энг истиқболли йўналишларига қаратилади ҳамда муҳим босқич ролини ўйнайди. Венчур капиталини жалб қилиш банклар, йирик корпорациялар ва давлат учун инвестиция объектларидан юқори даромад олиш имконияти тўғрисида сигнал бўлиб хизмат

қилади. Шундай қилиб, инвестицияларни иқтисодиётнинг энг истиқболли тармоқларига тақсимлаш имконияти пайдо бўлади.

Иккинчидан, венчур капитали инновацияларни рағбатлантириш орқали йирик компаниялар ўртасида рақобатни ривожлантиради. Бу пировардида мамлакат иқтисодиётининг инновацион имконияти ва рақобатбардошлигини оширади.


Учинчидан, венчур бизнеси ишбилармонлик қадриятлари ва бизнес этикаси, тадбиркорликни ташкил этишнинг янги моделлари тўғрисида инновацион ғояларни шакллантиришга туртки бўлади. Шахсий ташаббус, янгиликни жорий этиш ва новаторликнинг ўрни ортиб боради. Айниқса лойиҳаларнинг фойда олиниши мавҳум бўлган дастлабки босқичларда мотивация алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади.

Тўртинчидан, тез суръатларда ривожланаётган технологияларнинг мураккаблигига қарамасдан кириб келадиган инновацияларга қисқа фурсатда жавоб бера оладиган етарлича мослашувчанликка эга бўлган инвестиция механизми яратилади.

Аммо юқорида келтириб ўтилган муҳим жиҳатларига қарамасдан, инновацион бизнесни молиялаштириш учун инвестиция манбаларини жалб қилиш осон эмас. Чунки янгиликка асосланган, яъни инновацион бизнеснинг дастлабки босқичларида юқори таваккалчилик хатари мавжуд бўлиб, сармоя киритилган лойиҳаларнинг якуний натижалари амалга оширилгандан кейин ижобий самарага эришилмаса киритилган маблағдан ажралиб қолиш хавфи юқори ҳисобланади. Айниқса илм-фан соҳасидаги илмий-тадқиқот натижалари молиялаштирилгандан сўнг анча вақтгача даромад келтириши кафолатланмаганлигини ҳам таъкидлашимиз керак. Бу эса ушбу соҳадаги таваккалчилик даражасидан келиб чиққан ҳолда лойиҳаларга маблағ жалб қилиш суръатининг тез-тез ўзгаришига сабаб бўлади

Жумладан, “CB Insights” бизнес-таҳлил платформаси томонидан 2022 йил учун эълон қилинган ҳисоботларга назар ташлайдиган бўлсак, венчур капитал қўйилмаларининг кўрсаткичлари пасайганлигини кўришимиз мумкин.

Бунга асосий сабаб сифатида, 2022-йилда тегишли макроиқтисодий муҳитнинг салбий ҳолатга келиши, АҚШдаги инқироз, юқори инфляция ва бошқа омиллар, жумладан, бозордаги ноаниқлик ва инвесторларнинг асоссиз таваккалчиликлардан узоқроқда бўлишни маъқул кўраётганликлари келтирилган



2-расм. Йиллар кесимида венчур инвестициялари бўйича дунёнинг барча мамлакатларида молиялаштирилган шартномалар сони ва қиймати.¹

¹ Манба: “CB Insights” бизнес-таҳлил платформаси маълумотлари. www.cbinsights.com/research/report/venture-trends-2022

Маълумотларга кўра 2022 йилда глобал миқёсда венчур молиялаштиришнинг умумий ҳажми тахминан 415,1 миллиард долларни ташкил этгани қайд этилмоқда. 2021 йилда эса бу кўрсаткич 638,4 миллиард долларни ташкил этган, яъни 2022-йилда 35 фоизга камайганлигининг гувоҳи бўламиз. Инвестициялар оқимининг секинлашуви, айниқса йилнинг иккинчи ярмида сезиларли даражада эканлиги кузатилади, жумладан 2022-йилнинг йилнинг тўртинчи чорагида молиялаштириш ҳажми 65,9 миллиард долларни ташкил этган, бу 2021-йилнинг охириги чорагига нисбатан 64 фоизга кам дегани. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, бу кўрсаткич Ковид-19 пандемияси бошланишидан олдин кузатилган даражага тушиб кетган.

Шу билан бирга, венчур капитални молиялаштириш бўйича битимлар сони охириги йилда 4 фоизга камайган, яъни 2021 йилдаги 37 669 та шартномага нисбатан 2022 йилда 36 177 ни ташкил этган. Натижада, бир йил давомида ўртача транзакция суммаси 32 фоизга камайиб, 16,8 миллион долларни ташкил этди.

Қайд этилишича, Америка бозори венчур умумий молиялаштириш ҳажмининг деярли ярми – 48 фоизи ёки қарийб 198,4 миллиард долларни ташкил қилган. Бу 2021-йилдаги натижадан 37 фоизга кам, лекин 2020-йилга нисбатан 31 фоизга кўпайган. Битимлар сони бўйича АҚШ 2022 йилда 12 141 та келишув билан жаҳон бозорининг 34 фоизини эгаллаган. Бироқ, бу натижа 2021 йилга нисбатан 7 фоизга кам бўлган эди.

Европада венчур молиялаштириш 2022 йилда ўтган йилга нисбатан 17 фоизга, Осиёда эса 40 фоизга камайган. Шу билан бирга, ҳар икки минтақада тузилган битимлар сонига ўзгаришлар кам бўлган: Европада 2 фоизга ўсган, Осиёда эса 5 фоизга камайган.

Умумий қиймати 100 миллион доллар ва ундан кўп бўлган мега-битимлар 2022-йилда тахминан 190,1 миллиард долларни ташкил этган. Бу 2021-йилга нисбатан 49 фоиз пасайиш дегани. Агар ушбу сегментдаги битимлар сонига қарайдиган бўлсак, у ҳолда мега битимлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 42 фоизга камайиб, 923 тани ташкил этганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин.




3-расм. 2018-2022 йиллар давомида Европа ва Осиё венчур фондлари орқали инновацион лойиҳалар доирасида амалга оширилган шартномалар қиймати¹

Юқорида келтириб ўтилган статистик маълумотлардан кўришимиз мумкинки, охириги йилда венчур фондлари орқали амалга молиялаштирилаётган лойиҳаларнинг қиймати бироз камайган. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бунинг асосий сабаби

¹ Манба: “CB Insights” бизнес-таҳлил платформаси маълумотлари. www.cbinsights.com/research/report/venture-trends-2022

жаҳоннинг турли ривожланган мамлакатларида пандемия ва кузатилаётган инфляция натижасида таваккалчилик хатарини ошганлигидир.

Таваккалчилик даражасининг юқорилиги инновацион тадбиркорликда янги ғоялар тезда ижобий самара бермаслиги билан изоҳланади. Инвесторлар эса таваккалчилик хатари юқори бўлганлиги учун ҳам инновацияни жорий этишда ва молиялаштиришда эҳтиёткор бўлишади. Илмий таҳлиллар олиб бориш жараёнида шу нарса кўзга ташланадики, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш чоғида кузатиладиган таваккалчиликларни қуйидаги 3-расмда келтирилган кўринишларда ифодалаш мумкин:



4-расм. Инновацион лойиҳаларни амалга оширишда кутилиши мумкин бўлган таваккалчиликлар¹

Бу каби таваккалчиликлар инновацион лойиҳа ҳаёт даврининг айниқса, дастлабки босқичларида, компания янги маҳсулот ёки технология прототипини яратишдан тижорат ривожланиш босқичига ўтганда кўпроқ учрайди. Ушбу даврда, ноаниқлик ва шунга мувофиқ инвестициялаш хавфи жуда юқори бўлади, шу билан бирга тижорат ва техник таваккалчиликнинг кўплаб омиллари ўз таъсирини кўрсатади.

Тижорат (бозор) омиллари келтириб чиқарадиган муаммолар бозорда янги маҳсулотни ёки технологияни қабул қилинмаслик хавфини ўз ичига олади. Ушбу масала иқтисодий адабиётларда етарлича батафсил ёритилган. Хусусан, 1962 йилда америкалик социолог Эверетт Рожерс инновацияларнинг тарқалишини - янгиликни ўз вақтида ижтимоий тизим аъзолари ўртасидаги алоқа каналлари орқали етказиш жараёнини ўрганган ва унинг тадқиқот натижалари "Инновациялар диффузияси" (*Diffusion of innovations*) китоби тўғрисида оммалашди. Э.Рожерс ушбу китоби орқали инновацияларни, яъни янги ғоялар, технологиялар, жараёнлар ёки маҳсулотлар "диффузия"си (тарқалиши) ижтимоий тизим ва маданиятлар аъзолари орасида муайян каналлар орқали қандай, нима учун ва қандай тезликда узатилишини изоҳлайди[18]. У жамият аъзолари томонидан инновацияларни қабул қилишнинг графиклари асосан беш қисмга бўлинган ва қўнғироқ шаклидаги эгри чизиққа ўхшашлигини келтириб

ўтади. Э. Рожерс хар бир қисмдаги омилларни таҳлил қилади ва уларнинг хусусиятларига асосланиб сегментларга ном ва рейтинг беради:

1. *Новаторлар (2,5%)* – жамиятда маълумоти юқори даражада бўлган ва таваккалга тайёр қисми. Новаторлар ахборот манбаларидан фойдаланишда фаол, мураккаб техник билимларни эгаллашга ва қўллашга қодир, муваффақиятсизликдан қўрқмайдилар. Новаторларга инновацион стартапларнинг асосчилари бўлган тадқиқотчиларнинг ўзи киради; уларнинг иштиёқи билан компания фаолиятининг биринчи босқичида ривожланади.

2. *Дастлабки издошлар (13,5%)* - янгиликларни жамиятга киритиш учун янги технологиялардан фойдаланишга интилаётган ижтимоий раҳбарлар. Улар таваккалчи бўлиб, нархга унча аҳамият бермайдилар ва стартаплар учун дастлабки босқични таъминлайди.

3. *Илк кўпчилик (34%)* – улар янги маҳсулотларни сотиб олишга мойил бўлган, аммо жуда эҳтиёткор ва биринчи бўлишга интилмайдиган аҳолининг кенг қатлами. Инновацион стартапни айнан мана шу қатлам бозорига олиб чиқиш учун катта миқдордаги сармоялар керак бўлади ва бу ерда “ўлим водийси” дан чиқиш муаммоси пайдо бўлади.

4. *Кейинги кўпчилик (34%)* - ижтимоий даражаси анча паст, нарх сиёсатига жуда таъсирчан ва кўпчилик босими остида янгиликларни қабул қиладиган истеъмолчилар гуруҳи. Ушбу истеъмолчилар бозорига кириш учун катта ҳажмдаги сармоялар зарур бўлади.

5. *Қолоқлар (16%)* - инновацияларга шубҳа билан қарайдиган, етакчи бўлмаган, тор доирадаги қарашларга эга истеъмолчилар. [5]

Ривожланишнинг дастлабки босқичларида инновацион бизнес ушбу мақсад учун махсус яратилган инновацион инфратузилма ташкилотлари орқали давлат томонидан қўллаб-қувватланиши мумкин.

Хулоса ва таклифлар

1. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ҳам венчур инвестицияларни жалб қилишга мўлжалланган ва компанияларни инвестицияларни қабул қилишга тайёрлайдиган, инновация компанияларининг, венчур инвестицияларни амалга ошириш хусусиятини тушунадиган малакали кадрлар сони жуда чекланган. Бунинг боиси венчур молиялаштириш бўйича мутахассисларни тайёрлашнинг комплекс дастурларининг мавжуд эмаслигидир.

Бизнес бўйича таълимнинг барча жабҳалари бўйича менеджерлар тайёргарлигини олиб бораётган давлат ва нодавлат таълим муассасалари венчур молиялаштириш соҳасида юқори малакали мутахассисларнинг тайёрланишини таъминлай олмаяпти.

Шу муносабат билан венчур молиялаштириш соҳасида ихтисослаштирилган таълим тизимини шакллантириш ва услубий таъминотни ишлаб чиқиш долзарб масала деб ҳисоблаймиз. Буни қуйидаги йўллар билан амалга ошириш мумкин:

- “Молия ва кредит”, “Инновацияларни бошқариш” каби мутахассисликлар бўйича таълим олаётган талабалар учун олий таълим муассасалари қошида венчур молиялаштириш бўйича махсус маърузалар курсини ташкил қилиш;

- венчур молиялаштириш бўйича мутахассисларни тайёрлашнинг махсус касбий тизимини яратиш.

2. Венчур молиялаштириш бўйича мутахассисларни касбий тайёрлашнинг махсус тизими сифатида венчур тадбиркорлиги бўйича коучинг-марказлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Мазкур марказлар венчур фондларининг фаолияти ва тўғридан-тўғри инвестицияларни юқори технологияли кичик секторларга жалб қилиш, шунингдек Ўзбекистон сармояси иштирок этган тармоқ ва ҳудудий венчур фондларини яратиш билан боғлиқ бўлган масалаларнинг бутун бир мажмуаси бўйича таълим ва маслаҳат хизматларини тақдим этишга қаратилган.

3. Венчур фаолиятини ривожлантиришнинг зарур шартларидан бири бўлиб, венчур молиялаштириши учун жозибали бўлган кичик тез ўсувчи инновацион компанияларининг мавжудлиги ҳисобланади, чунки венчур капитали моҳиятига кўра ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас – бу шунчаки пуллар ҳолос. Венчур инвестициялари объектларининг ҳажмини оширишда асосий ўрин олий таълим муассасалари қошидаги бизнес-инкубаторлар, технологиялар трансфери бўйича марказлар, технопарклар, инновация-технология марказлари, бизнес-акселераторлар ва патентлаш идоралари кабиларга ажратилиши керак.

4. Олий таълим муассасалари қошида ташкил этилган бизнес-инкубаторларнинг вазифаси илмий-техника соҳасини ёш олимлар яратган янги ғоя, стартаплар ва ихтиролар билан таъминлаш бўлиб, уларни келажакда янги истиқболли технологиялар асоси сифатида белгилаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони. 2020 йил 29 октябр.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. ПФ-6097 – сон 2020 йил 29 октябр.

4. Л. М. Лапицкая Венчурное финансирование: учеб. пособие / Л. М. Лапицкая. – Минск : БГУ, 2019. 12-бет.

5. Венчурный менеджмент: учебное пособие / Рогова Е. М., Ткаченко Е. А., Фияксель Э.А. – Москва: Издательский дом Высшей школы экономики, 2011. Стр. 440

6. Салмина О.А. Финансирование инновационной деятельности: мировой опыт и российская практика// Успехи современного естествознания, 2008., № 7, с. 76.-81

7. Хамидулин М. Финансирование инновационной деятельности: государственные программы и фонды// ж. «Управление предприятием», 2012 г., №4 (58), с. 41-47.

8. Хамидулин М. Особенности финансирования инноваций // ж. «Управление предприятием», 2012 г., № 8, с. 58-67.

9. Виролайнен А.О. Финансирование инвестиций при переходе к инновационному развитию экономики: автореферат дисс. на соискание уч. ст. д.э.н. - Санкт – Петербург, 2008. – 47 с.;

10. Игнатущенко Е.И. Инновационная Германия в экономике Европейского Союза в эпоху мирового экономического и финансового кризиса//Молодой ученый. 2012, №7, С. 78-82.;
11. Нечаев А.С. Совершенствование системы финансового обеспечения инвестиционно-инновационной деятельности: автореферат дисс. на соискание уч. ст. д.э.н., М., 2010. – 38 с.;
12. Бегалов Б.А. Основные тенденции развития инновационной экономики// Экономический вестник Узбекистана, 2013, № 3-4, с. 107-110;
13. Вахабов А.В. Инновацион ривожланишга ўтиш ва иқтисодий ўсиш сифатини яхшилаш муаммолари// Тежамкорликнинг концептуал асослари ва унинг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари-Тошкент, 2016, с. 4-14;
14. М.Қ.Пардаев, О. Пардаев Давлатнинг инновацион фаолиятга оид сиёсатини шакллантириш – инновацион иқтисодиётни барпо қилиш омили. "Сервис" 2017. 3-сон. 4-8 бетлар,
15. Хамидулин М.Б. Финансирование инновационной деятельности: государственные программы и фонды// Управление предприятием, 2012 г., №4 (58), с. 41-47;
16. Thomas Perkins. Mine's Bigger: The Extraordinary Tale of the World's Greatest Sailboat and the Silicon Valley Tycoon Who Built It. – by Newsweek's David A. Kaplan, 2007
17. "Eugene Kleiner, Early Promoter Of Silicon Valley, Is Dead at 80". Associated Press. November 26, 2003 – via The New York Times.
18. Diffusion of Innovations, 5th edition, Everett M. Rogers. Free Press, New York, NY (2003), 551 p.
19. Атамуратов С. (2019). Турли минтақаларда венчур инвестицияси муҳити таҳлили ҳамда венчур бизнесини ўзбекистон иқтисодиётига жорий этиш муаммолари. Экономика и инновационные технологии, (6), 69–79. https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/11170
20. Атамуратов Шерзод Акрамович Инновацион фаолиятни венчурли молиялаштиришнинг халқаро моделларини жорий этиш самарадорлиги // Экономика и финансы (Узбекистан). 2019. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/innovatsion-faoliyatni-venchurli-moliyalashtirishning-hal-aro-modellarini-zhoriy-etish-samaradorligi>
21. Атамуратов Ш. А. (2022). Саноатда инновацион фаолиятни ривожлантиришда венчур инвестицияларини жалб қилиш масалалари. Архив научных исследований, 2(1). <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1868>
22. Атамуратов Ш. Хорижий мамлакатларда венчурли инновацион лойиҳалаштириш моделлари //" Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. – 2019. – №. 2.
23. Улашев, И. О., Ш. А. Атамуратов. "Корхона иқтисодиёти ва менежменти." Ўқув қўлланма. Тошкент-2013.
24. Атамуратов Шерзод Акрамович Инновацион тадбиркорликда венчур инвестицияларини жалб қилиш муаммолари // Экономика и финансы (Узбекистан). 2021. №1 (137). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/innovatsion-tadbirkorlikda-venchur-investitsiyalarini-zhalb-ilish-muammolari> (дата обращения: 09.01.2023).
25. <https://www.cbinsights.com/research/report/venture-trends-2022/>